

УДК. 634.63

**ЭКСТРЕМАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЗАЙТУН КЎЧАТЛАРИНИ
ХИМОЯЛАШНИНГ ИНТЕНСИВ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ****Бозорова Ашургул Худойберди қизи ¹****Рахмонов Шухрат Хайдарқулович ²****Жураев Эркин Бахтиёрович ³***Магистр ¹**Узун агротехнологиялар техникуми ²**Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ³*

Сўнги йилларда мамлакатимизга интродукция қилинган зайтун кўчатлари кескин континентал иқлим шароитларида етиштирилганда вегетатив органларининг ривожланишида ўзгаришлар сезилмоқда. Айниқса ҳаво ҳароратининг ошиши, ҳавонинг нисбий намлигининг камайиб бораётганлиги доим яшил бўлган зайтун қаламчаларидан кўчат тайёрлаш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Илмий тадқиқот натижаларимиздан маълумки, зайтун доим яшил ўсимлик бўлиб, минтақамиз иқлим-шароитларида зайтунни ўсиши ва ривожланиши учун ноқулай шароит бўлсада, сўнги йиллардаги олиб борилаётган ислоҳатлар ва илмий соҳадаги изланишларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Зайтун плантацияларини яратишда таннархи арзон, қисқа муддатда ўз илдизига эга бўлган стандарт кўчат тайёрлашда янги инновацион усулларни қўллаш муҳим эканлигини айтиш мумкин.

Калит сўзлар: илдиз, поя, барг, стимулятор, ишчи эритма, физиология, фотосинтез, транспирация, ҳарорат, намлик, ёруғлик.

Тадқиқот жойи ва услублари. Тадқиқотларни Академик М.Мирзаев номидаги “Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти”нинг Сурхондарё филиали Бандихон тажриба хўжалигининг тажриба майдончасида 0,1 га майдонда интродукция қилинган “Невальдильо”, “Гемлик”, “Никитская I-II”, “Крымская-172”, “Арбекино” навларидан май, июнь, июль

ойларида қаламчалар тайёрланиб ҳар хил экиш схемалари ва муддатларида экилди ва фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар олиб борилди.

Интенсив усулда янги инновацион ёндашувлар асосида зайтунни оналик дарахтини танлаб, тегишли тартибда белгиланган муддатларда ярим ёғочлашган бир йиллик новдалардан қаламчалар тайёрлаб илдиз оттирувчи ва озиклантирувчи стимуляторларни қўллаб, экиш схемалари ва муддатларини аниқ белгилаб, микроиклим ҳосил қилиб, ҳарорат, намлик ва ёруғликни махсус иншоотда бошқариб бориш орқали бир йилда ўзининг илдизига эга бўлган стандарт кўчатлар тайёрлаш ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш асосий вазифамиздир. Бунда (Тарасенко) [8; 9] ва (Буриев ва бошқ.) [1] томонидан яратилган услублардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Кузатув натижаларидан маълумки, зайтун вегетация давридаги фаол фойдали ҳарорат йиғиндиси 3500-4000 даражагача бўлган иссиқ шароитлардагина муваффақиятли ўсиши, ўртача нам ва қуруқ иқлимни талаб қилади. Сернам иқлим мева ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади ва замбуруғли касалликларнинг тарқалишига имкон беради. ФАОнинг маълумотларига кўра, зайтун етиштирилаётган минтақаларда йиллик ўртача ҳарорат 15 ва 20 даража Цельсий ўртасида ўзгаради. Абсолют максимал ҳарорат дарахтларга зарар кўрсатмаган ҳолда 40 °C ва ундан ҳам юқори даражагача кўтарилиши мумкин. Бироқ, суғориш етарли бўлмаганда, шунингдек кучли шамол эсадиган ҳудудларда ҳавонинг 32+36 °C ҳарорати ҳам зайтун дарахтларига ҳалокатли таъсир кўрсатади. [1; 2; 3; 5; 6].

Совуққа зайтун ўртача чидамли дарахт тўқималари яхши пишган ва қишга тайёрланган бўлса, у ҳолда қишки тиним даврида -10 °C гача совуқларни, совуққа чидамли шакллар эса -15 °C даражагача совуқни талофатсиз ўтказа олади. Олимларнинг фикрича совуққа чидамлилик бўйича маҳаллий навлар ва совуққа чидамли хорижий навлар биринчи ўринда туради. Аниқланишича, биринчи гуруҳ навлар учун манфий ҳароратларнинг чегараси -10-16 °C ҳисобланади, хорижий навлар учун эса -8-10 °C хавфли ҳисобланади. Бироқ ҳозирда ҳам -18 °C гача совуқларни талофатсиз ўтказа оладиган якка-якка зайтун дарахтлари сақланиб қолган. Шубҳасизки, мевали ўсимликларнинг қишлашида уларнинг чиниқиши билан ифодаланувчи қишга тайёргарлиги катта роль ўйнайди. [4; 7; 9].

Тадқиқотларда зайтунни оналик дарахтлар танланиб, бу дарахтларни ўсиши, ривожланиши, вегетатив органларининг тўғри шаклланиши, касаллик ва

зараркунандалардан холи дарахтларни танлаш лозим бўлди. Ўзбекистонга чет элдан интродукция қилинган навлар танлаб олинди. Зайтун етиштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар, муассасалар хўжаликлар ва хонадонларда етиштирилаётган зайтун кўчатлари мониторинги олиб борилди. Оналик дарахтлар танланиб, агротехник тадбирлар қўлланилди.

Сурхондарё вилоятининг иқлими кескин континентал, қуруқ субтропик бўлиб, зайтун кўчатларини ўсиши ва ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатди. 2022 йил қиш мавсумида кузатилган аномал совуқ натижасида зайтунни 7-8 йиллик оналик дарахтлари ер усти қисми ҳосил шохлари, гул куртакларига совуқдан зарарланиш ҳолатлари кузатилди. Яшил қаламчалардан тайёрланган кўчатларга ҳам ушбу ҳолат таъсир кўрсатди.



1-расм. Тадқиқот даласидаги зайтун плантацияларини экстремал шароитда турли хил усулларни қўллаш жараёни

Тадқиқотларни ҳар хил муҳит ва шароитда олиб борилиб кузатилганда, ноқулай шароитда ҳам кўчатлар совуққа чидамлилиги ошганлиги, зайтун коллекциядаги навларни ўсиши ва ривожланиши танлаб олинган навларни морфо-биологик, физиологик, биокимёвий хусусиятларини, лаборатория ва дала шароитида совуққа чидамлилигини, қимматли хўжалик белгиларини, ўрганиш

Сурхондарё вилояти шароитида экстремал омилларга бардошли зайтун нав намуналарини етиштириш схемаси бўйича ҳисоб технологик картасини тузиш ва совуққа бардошли танлаб олинган навларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, кузатув натижалари ва илмий манбаларга таянган ҳолда, зайтун кўчатлари ташқи муҳит омилларига маълум бир миқдорда мослашиб боради. Сўнги йиллардаги илмий изланиш ва кузатувлардан олинган ижобий натижалар келгусида зайтун плантацияларини яратиш, юқори ҳосилдорликка эга совуққа чидамли, стресс омилларга бардошли бўлган навларни танлаш, қайта ишлаш соҳаси учун хом-ашё базасини яратиш ва меваларни қайта ишлаш, аҳоли истеъмоли учун экологик тоза махсулотлар тайёрлаш олдимиздаги асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Буриев Х.Ч. Жураев Э.Б. “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси”. Услубий қўлланма. -Тошкент. 2014.-54.б.

2. Буриев Х., Жураев Э. - *Technologia intensiva di coltivazione delle piantine di olivo (Olea) in strutture speciali con microclima regolato. "Tecnologie intensive per la riproduzione del materiale di piantagione in Uzbekistan" (Monografia collettiva). LAP LAMBERT Academic Publishing RU. 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Mauritius. 2020. P, 107-116. (lingua italiana, Italia).*

3. Буриев Х.Ч., Жураев Э.Б., Абдуллаев С.Б - *Morpho-biological and economic characteristics of introduced olive varieties in Surkhandarya region. // “Journal of agriculture & horticulture” International scientific journal. JAH. ISSN:2770-9132; Impact factor 8.1. UIF=9.1. SJIF=7.83. Выпуск 1, Zenodo. –P. 5-13.*

4. Дарвин Ч. Происхождение видов. -М.: Изд-во АН СССР. 1939, -83с.

5. Жураев Э.Б - Изучение микроклимата в специальном сооружении для выращивания саженцев маслины вегетативным путем. //Агро илм журнали. 2017 й. -№3. -Б. 60-61.

6. Жураев Э.Б - Влияние сроков черенкования побегов на рост и развитие саженцев маслины. //Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали. 2017 й. -№5. -40 б.

7. Рева М.Л. Вегетативное размножение древесных растений в естественных условиях УССР. Автореферат дисс... доктора биол. наук. -Киев, 1968. -39с.

8. Тарасенко М.Т. - Размножение растений зелеными черенками. М., Колос. 1967. -352с.